



БИЛВОСИТА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Тоҳиров Баҳром Олимович

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислоҳатлари натижасида билвосита солиқлар маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Билвосита солиқлари бўйича тушумлар таҳлили асосида уларнинг улушини пасайтириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, билвосита солиқ, қўшилган қиймат солиғи, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ ставкаси.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ КОСВЕННОГО НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ

Таҳиров Баҳром Олимович

Фискальный институт при Налоговом комитете

Аннотация. В статье освещены вопросы совершенствования администрирования косвенных налогов в результате налоговых реформ, проводимых в нашей стране. На основе анализа доходов от косвенных налогов были внесены предложения по снижению их доли.

Ключевые слова: налог, косвенный налог, налог на добавленную стоимость, налоговое администрирование, ставка налога.

SOME ISSUES OF INDIRECT TAXATION

Takhirov Bakhrom Olimovich

Fiscal institution under the Tax Committee

Abstract. The article highlights the issues of improving the administration of indirect taxes as a result of the tax reforms being carried out in our country. Based on the analysis of the income from indirect taxes, proposals were made to reduce their share.

Key words: tax, indirect tax, value added tax, tax administration, tax rate.

Кириш.

Солиққа тортишнинг замонавий назариялари ичида бевосита ва билвосита солиқлар нисбати назарияси алоҳида аҳамиятга эга. Бу назариянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар икки гуруҳга: бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Билвосита солиқлар тизимида қўшилган қиймат солиғининг улуши юқориликча қолмоқда. Ўзининг табиатига кўра, қўшилган қиймат солиғи мураккаб, кўп омилли, кўп қиррали бўлиб, унинг муаммолари замонавий моддий ҳаётнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Ўзбекистон

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг (2023) мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқида биз тадбиркорларга солиқ юкини кўпайтириш эмас, балки уларни қўллаб-қувватлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш ҳисобидан бюджетга тушумларни ошириш йўлидан бораёмиз. Ўтказилган сўровларда 62 фоиз тадбиркорларимиз солиқ соҳасидаги ислохотларимизни ижобий баҳолаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 январь куни 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишда солиқ тизимини қайта кўриб чиқилиб, янги йўналишлар белгиланди.

Биринчи йўналиш – 40 мингта бюджет ташкилоти билан ишлаш вазифаси туманлардан Солиқ қўмитасида янги ташкил қилинадиган Туманлараро бюджет ташкилотлари инспекциясига ўтказилади. Ушбу инспекция тўлиқ рақамлашган бўлади ва Ҳазначилик электрон тизимига интеграция қилинади.

Иккинчи йўналиш – Қўмитада солиқ қарзини ундириш бўйича ҳам туманлараро инспекция ташкил этилади. Унга Мажбурий ижро бюросида мавжуд ваколатлар берилади. Бунинг ҳисобига, туманлардаги қўшимча 200 нафар солиқчини маҳаллабай ишлашга ўтказиш имкони бўлади.

Учинчи йўналиш – республика солиқ тушумининг 50 фоизини берадиган 80 та энг йирик корхона ва 35 та тижорат банки билан ишлайдиган алоҳида тизим бўлади. Бунинг учун Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция таркибида янги тузилма ташкил қилиниб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан бевосита ишлайди (Мирзиёев, 2024).

Бу ўзгаришлар билвосита солиқлар тушумига ҳам таъсир кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқотнинг муаммосига бағишланган илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу мавзу хорижий олимлар ва мамлакатимиз иқтисодчилари томонидан тадқиқ этилган.

Шадурская (2019) билвосита солиқларга тўхталиб, “Билвосита солиқлар -бу товарлар ва хизматлар тарифига қўйилган қўшимча нарх кўринишидаги солиқдир” деб таъриф берган (Шадурская ва бошқ., 2019).

Зотиковнинг (2018) такидлашича, билвосита солиққа тортиш мавзусининг долзарблиги Россия солиқ тизими яратилган кундан бошлаб ва бутун мавжудлик даврида билвосита солиққа тортишнинг устунлигига асосланган тизим эканлиги билан боғлиқ. Россия солиқ тизимида билвосита солиқларнинг улуши 60% дан ортиқ. Россия солиқ тизими билвосита солиқларни назарда тутаяди: ҚҚС, акцизлар, божхона тўловлари.

Кривошеева (2021) ўзининг илмий ишларида билвосита солиқларнинг аҳамиятини қуйидагича эътироф этган: билвосита солиқлар аниқ фискал ва тартибга солиш функциясига эга. Билвосита солиққа тортиш тизими ғазнага тушумларни жалб қилишнинг энг қулай шакли бўлиб, катта суммаларни тез ва мунтазам равишда олиш имконини беради. У иқтисодиётга таъсир кўрсатиш имкониятини, яъни ишлаб чиқаришни у ёки бу йўналишда рағбатлантириш ёки чеклаш ҳамда истеъмолни тартибга солиш имкониятларини ўз ичига олади ва шу билан бирга иқтисодий жараёнларга тез жавоб бериш имконини беради.

Васильева (2008) билвосита солиқларнинг функцияларига тўхталиб, қуйидагиларни кўрсатиб ўтган, Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар учта асосий вазифани бажаради:

1) фискал функция - давлат харажатларини молиялаштириш учун бюджетга давлатга маблағларни жалб қилиш;

2) ижтимоий функцияси - ижтимоий мувозанатни сақлаш сифатида мақсадида алоҳида гуруҳлар даромадлари ўртасидаги нисбатни ўзгартириш орқали улар орасидаги тенгсизликни юмшатиш ва даромадни адолатли тақсимлаш;

3) тартибга солиш функцияси - иқтисодий тартибни бошқаришда дастак сифатида (Васильева, 2008).

Ишина (2009) билвосита солиқларнинг тартибга солиш функцияси алоҳида эътибор берган ҳолда қуйидагиларни такидлайди. Солиқларнинг тартибга солиш функциясининг ўзига хос хусусияти уларнинг иқтисодий билвосита таъсири билан белгиланади: солиқ сиёсатини амалга оширишдан иқтисодий режалаштирилган натижани олиш учун маълум вақт керак бўлади. Шу билан бирга, тартибга солиш функцияси солиқ тизими орқали аҳолининг самарали талабини рағбатлантириш, ташкилотлар ва фуқароларнинг инвестиция ва тадбиркорлик фаоллигини, товарлар таклифининг ўсишини, ижтимоий соҳани ривожлантиришни ва бошқаларни рағбатлантиришга қаратилган. Билвосита солиқларнинг тартибга солиш салоҳияти, биринчи навбатда, истеъмол таркибига ва у орқали ишлаб чиқаришга таъсир қилиш қобилиятидир.

Жураев, Тошматов, Абдурахмановлар (2009) билвосита солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқлар киришлигини эътироф этишган.

Тадқиқот методологияси.

Билвосита солиқлар маъмуриятчилигини тадқиқ этишда иқтисодий таҳлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди. 2020-2022 йилларда республикада билвосита солиқлар бўйича тушумлар таҳлил қилиш асосида таклифлар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сон қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон “Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2024 йилда

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнози 270 703,1 млрд. сўм ва билвосита солиқлар 111 654,5 млрд. сўм этиб белгиланди.

2022 йилда Давлат бюджети даромадлари 202 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 37,2 трлн сўмга ёки 22,6 фоизга ошди. Жумладан, Солиқ қўмитаси маъмурчилигидаги тушумлар 148 трлн сўмни Божхона қўмитаси бўйича тушумлар 46,0 трлн сўмни ҳамда бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар 7,6 трлн сўмни (қўшилган қиймат солиғи бўйича қайтариш (қоплаб бериш) (19,3 трлн сўм) ва фуқароларга харид суммасидан 1% (“кэш-бэк”) қайтаришни (0,8 трлн сўм) ҳисобга олган ҳолда) ташкил қилди. Даромадларнинг асосий қисмини билвосита солиқлар 72 трлн сўмни ёки Давлат бюджети умумий даромадларининг 35 фоизини ташкил қилди. 2021 йилга нисбатан 15,1 трлн сўмга ёки 27 фоизга ошди¹⁹⁷.

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда Давлат бюджети тушумлари таҳлили 1-жадвалда келтирилди.

¹⁹⁷ 2022 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили. <https://www.imv.uz/oz/odata/category/3299-nizom-boyicha-moliyaviy-hisobotlar>.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда Давлат
бюджети тушумлари таҳлили¹⁹⁸ (млрд.сўм)

Т/Р	Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
	ДАРОМАДЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ	79 099,0	112 165,4	132 938,0	164 680,3	201 863,7
1.	Бевосита солиқлар	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930,4	64 477,1
2.	Билвосита солиқлар	41 280,4	46 427,2	46 428,4	56 290,5	71 390,2
2.1	Кўшилган қиймат солиғи	27 876,5	33 809,8	31 177,4	38 439,0	52 189,4
2.2	Акциз солиғи	9 702,2	10 314,7	11 697,3	13 086,6	13 455,0
2.3	Божхона божи	1 826,4	2 302,7	3 553,7	4 764,9	5 745,7
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	12 663,4	19 680,7	21 257,0	23 036,4	23 912,8
4.	Юқори даромаддан олинадиган солиқ	1 528,0	107,9	-	-	-
5.	Бошқа даромадлар	7 971,0	14 272,8	20 045,8	26 423,1	42 113,7

Таҳлил қилинаётган даврда солиқ тушумлари йилдан йилга ошганини кўришимиз мумкин. 2018 йилда бу кўрсаткич 79 099,0 млрд. сўм бўлган бўлса, 2022 йилда эса 201 863,7 млрд. сўмни ташкил этган. Билвосита солиқлар 2018 йилда 41 280,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 56 290,5 ва 2022 йилда 71 390,2 млрд. сўм бўлган. Таҳлил даврида солиқ тушумлари 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 255,2 фоизга ўсган бўлса, бевосита солиқларнинг ўсиши 411,83 фоиз бўлган бўлса, билвосита солиқлар бўйича бу кўрсаткич 172,94 фоизни ташкил этган. Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати ривожланган мамлакатлар амалиётидагидек солиқ тушумларида билвосита солиқларга нисбатан бевосита солиқлар бўйича тушумлар катта ўсишга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йилларда Давлат бюджети тушумларида билвосита солиқлар улуши таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йилларда Давлат бюджети тушумлари
таҳлили¹⁹⁹

№	Кўрсаткичлар	2020 й	2021 й	2022 й
1.	Давлат бюджети даромадлари	132 938,0	164 680,3	201 863,7
2.	Бевосита солиқлар	45 206,9	58 930,3	64 477,1
3	Бевосита солиқларнинг улуши,%	34,01	35,78	31,94
4.	Билвосита солиқлар	46 428,4	56 290,5	71 390,2
5	Билвосита солиқларнинг улуши,%	34,92	34,18	35,36
6.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	21 257,0	23 036,4	23 912,8
7	Ресурс тўловлари ва мулк солиқларнинг улуши, %	15,99	13,99	11,85
8.	Бошқа даромадлар	20 045,8	26 423,1	42 113,7
9	Бошқа даромадларнинг улуши, %	15,08	16,05	20,85
10	Жами, фоиз	100,0	100,0	100,0

¹⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги очиқ маълумотлари асосида тузилди. Даромадлар 2015-2022 йил ижроси. <https://openbudget.uz/incomesView/.25.04.2023>.

¹⁹⁹Жадвал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги очиқ маълумотлари асосида тузилди. Даромадлар 2015-2022 йил ижроси. <https://openbudget.uz/incomesView/.25.04.2023>.

Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни курсатмоқдаки, 2020 йилга нисбатан 2022 йилда бевосита солиқлар бўйича тушумларнинг жами тушумдаги улуши 34,01 фоиздан 31,94 фоизга камайган. Аксинча, шу даврда билвосита солиқларнинг улуши 2020 йилда 34,92 фоиздан 2022 йилга келиб 35,36 фоизга кўпайган.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати ривожланган мамлакатлар амалиётидагидек солиқ тушумларида билвосита солиқларга нисбатан бевосита солиқлар бўйича тушумлар катта ўсишга эга бўлмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида билвосита солиқларнинг умумий тушумдаги улушини пасайтириш бўйича илмий тадқиқот ишларини кучайтиришни таклиф этамиз.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Васильева, М.В. (2008) Распределение налогового бремени в обществе: косвенное налогообложение [Текст] / М.В. Васильева // *Налоги и финансовое право*. – №6. – С. 100-110.

Жураев А., Тошматов Ш., Абдурахманов О., Гадоев Э.Ф. (2009) *Солиқлар ва солиққа тортиш: Ноиқтисодий бакалавриат таълим йуналишлари учун ўқув қўлланма* / А. Жураев, Ш. Тошматов, О. Абдурахманов. Э. Ф. Гадоевнинг умумий таҳрири остида; — Тошкент: «NORMA» нашриёти, - 184-б.

Зотиков Н.З. (2018) *Косвенные налоги в налоговой системе России* // *Вестник Евразийской науки*, №2, <https://esj.today/PDF/55ECVN218.pdf>.

Ишина, М.С. (2009) *Налог на добавленную стоимость как инструмент распределения добавленной стоимости между экономическими субъектами: дис. ... канд. экон. наук : 08.00.10* / Ишина Марианна Станиславовна. – М., – 198 с.

Кривошеева, А.А. (2021) *Исторические и современные аспекты косвенного налогообложения* / А. А. Кривошеева. — Текст : непосредственный // *Молодой ученый*. № 23 (365). -С. 382-384. — URL: <https://moluch.ru/archive/365/82056/> (дата обращения: 29.04.2023).

Мирзиёев Ш.М. (2023) *Тадбиркорлик ривожини янада юксак босқичга кўтариш – устувор вазифамиздир. Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи. 18 август.*

Мирзиёев Ш.М. (2024) *2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар. 2024 йил 16 январь.*

Шадурская М.М., Смородина Е.А., Бакунова Т.В.; (2019) *Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп.* Екатеринбург: 207 стр.